

УЗО
342
К 25



Ислом Каримов

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ –
ЮРТИМИЗДА ЭРКИН
ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ
БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ
ҚАТТЬЯТ БИЛАН
ДАВОМ ЭТТИРИШДИР




Ислом Каримов

**АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ –
ЮРТИМИЗДА ЭРКИН
ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ
БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ
ҚАТЬИЯТ БИЛАН ДАВОМ
ЭТТИРИШДИР**

*Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 15 йиллигига
багишланган тантанали маросимдаги
маъруза*

2007 йил 7 декабрь



ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2007

67.400

К 25

ISBN 978-9943-01-187-8

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2007

Ассалому алайкум, муҳтарам ва-
тандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сиз-
лар орқали бутун халқимизни қутлуг
сана — Конституциямиз байрами би-
лан чин қалбимдан табриклаб, бар-
чангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва
эҳтиромимни билдираман.

Бугун биз ҳаётимизнинг Асосий
Қонуни бўлмиш мустақил Ўзбекис-
тонимиз Конституцияси қабул қи-
линганинг 15 йиллигини кенг ни-
шонламоқдамиз.

Барчамиз шу ўтган давр мобайни-
да юртимизда амалга оширилган том
маънодаги тарихий ишлар, мамлака-
тилизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг

маъно-мазмунини бутунлай ўзгартириб бораётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнлари замираида, аввало, Конституциямизнинг принцип ва талаблари турганини кўриб, кузатиб келмоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам, бугун босиб ўтган йўлимизни танқидий ва холисона баҳолар эканмиз, юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йўл-йўриқларни оғишмай амалга ошириш натижасида эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Шунинг учун ҳам давр ўтиши билан биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, қадр-қимматини яна-да чуқурроқ англаб бормоқдамиз ва унга бўлган ҳурмат-эътиборимиз тобора ортмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бугун Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллигини нишонлар эканмиз, барчамиз учун катта бир имтиҳон бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловни юксак даражада ўtkазиш масаласи ҳақида тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Авваламбор, Конституциямизда сайловларни, жумладан, давлат раҳбари сайловини демократик асосда, замон талаб қиласидиган даражада ўтка-

зиш аниқ ва равшан белгилаб берилгани ҳаммамизга яхши маълум.

Бу ҳақда гапирганда, бугун мамлакатимизда амалда жорий этилаётган Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талабларга тўлиқ асосланган ҳолда ишлаб чиқилгани ва шу билан бирга, халқаро андозалар, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси бу борада инобатга олинганини таъкидлаш лозим.

Бизнинг Асосий Қонунимизда сайлов тўғрисидаги маҳсус 23-боб мавжуд бўлиб, бу масала бундан ташқари яна ўндан зиёд қонунларимизда ўз ифодасини топган.

Юртимизда ўтказиладиган бу галги сайловнинг ўзига хослиги ва эътиборга сазовор томонлари ҳақида гапирганда, шуни айтиш керакки, республикамиизда давлат раҳбари лавозимига номзодларни кўрсатиш

хуқуқи сиёсий партияларга берилган.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган ва халқимиз ўртасида ўзига эътибор тортаётган, аҳолимизнинг маълум ижтимоий гурӯҳлари манфаат ва интилишларини ифода этишга қодир бўлган партияларга ана шундай ҳуқуқ берилиши ўз навбатида барча демократик норма ва талабларга тўлиқ жавоб беради.

Шу билан бирга, партия аъзоси бўлмаган аҳоли номидан уларнинг орзу-умидлари ва хоҳиш-иродасини ифода этиш мақсадида сайловчиларнинг ташаббускор гурӯҳи томонидан кўрсатилган номзод ҳам бу сайловда қатнашмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун амалга ошираётган сайлов тизимишинг модели чуқур ва атрофлича ўйланган бўлиб, халқаро андозалар

ва дунёдаги демократик давлатларнинг илфор тажрибасига суюнган ҳолда, халқимизнинг анъанавий қадрият ва қараашларини ҳам тўлиқ акс эттиради, десак, ўйлайманки, ҳар томонлама тўгри бўлади.

Ҳозирги кундаги энг муҳим ва дол зарб вазифамиз — Президент сайловини Конституциямиз, қонунларимиз ва халқаро меъёрларга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказишда ўзимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни намоён этишдан иборат. Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман.

Авваламбор, сайловнинг барча жа раёнларида қонун устуворлиги ва эркинлик ҳукмронлигини таъминлашимиз, барча номзодларга тенг шароитлар туғдириб бериш, совет давридан қолган, ҳали-бери учраб турадиган баъзи бир тартиб ва қолип-

лардан бутунлай воз кечишимиз даркор.

Шу билан бирга, сайловни амалдаги қонунларимизга тұла итоат қилған ҳолда үтказиш ва ҳар қандай давлат-маъмурій идоралари томонидан, умуман четдан туриб бу жараёнга таъсир күрсатишига йўл қўймасликка алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Келгуси сайловга халқаро жамоатчилик томонидан қандай баҳо берилиши сайлов жараёнларида сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакилларига, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларга, оммавий ахборот воситаларига уларнинг ўз хуқуқ ва бурчларини амалга ошириши учун қай даражада шароит яратиб беришимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Бугунги ахборотларга мувофиқ, чет мамлакатлардан ва нуфузли халқаро ташкилотлардан, шу жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик

ташкилотидан сайловни кузатиш учун келаётганлар сони 300 кишига яқин бўлиб, ҳаммаси бўлиб 23 минг 300 киши сайловимизни кузатади.

Булар қаторида Европа, Осиё, Америка Кўшма Штатлари, мусулмон ва араб давлатларининг вакиллари сайлов жараёнлари қандай ўтишини кузатади. Шу фурсатдан фойдаланиб, бир масалага алоҳида ургу берив тўхтамоқчиман.

Ҳеч кимга сир эмас — бугунги кунда ҳам Ўзбекистон ва Америка Кўшма Штатлари, Европа давлатлари орасида ҳали-бери давом этаётган қандайдир ўзаро тушунмовчилик ҳақида башорат қилувчилар, бошқача айтганда, шундай муносабатларни сақлаш ва шундан манфаат топиш тарафдорлари борлигини сезиш, кузатиш қийин эмас.

Бундай ҳолатларга нисбатан нимадейиш мумкин?

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида барча яқин ва узоқ қўшнилар билан, шу жумладан, Америка Кўшма Штатлари ва Европа билан ҳам ўзаро манфаатли, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик алоқаларини олиб боришининг доимо тарафдори ва бу йўлдан биз ҳеч қачон қайтмаймиз.

Ишонч билан айтиш мумкин — бу гунги кунда бундай алоқаларнинг замини тобора мустаҳкамланмоқда ва биз бундан манфаатдормиз.

Мухтасар қилиб айтганда, навбатдаги сайловни Конституция ва қонунларимизда белгиланган тартибда — очиқ, холис ва ҳаққоний асосда, ҳеч кимдан кам бўлмаган юқори даражада ўтказишнинг мөҳияти ва аҳамиятини бугунги кунда сайловчиларимиз, бутун халқимиз чуқур англамоқда, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўшиласиз.

Ишончим комилки, кўпни кўрган, қанча-қанча синовлардан ўтган халқимиз бу сайловда фаол иштирок этиб, ўзининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради.

Қадрли ватандошлар!

Барчамизга маълумки, дунёда «ўзбек модели» деган ном билан тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг негизида турган машхур беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёsat олиб боришдан иборатdir.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилаётган бу сиёsatнинг амалий тасдиги сифатида шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағлар давлатимиз бюджетининг умумий харажатларига нисбатан 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,8

фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида бўлиши белгилаб қўйилган.

Бундай кўрсаткичлар бошқа давлатлар тажрибасида камдан-кам учрайдиган ҳол, десак, бу — айни ҳақиқатдир.

Ана шу сиёsatни изчил давом эттириш, унинг самарадорлиги ва таъсирини ошириш, жамиятимизда инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2007 йил юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани ва шу асосда қабул қилинган маҳсус давлат дастури йил мобайнида амалга ошириб келинаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Еттита устувор йўналишдан иборат бўлган, юзлаб муҳим тадбирларни ўзига қамраб олган бу кўпқиррали дастурнинг ижроси ҳақида, албатта, йил якуни билан ҳисоботлар

берилади ва холис хулосалар чиқарилади.

Энг муҳими, бу дастурда белгиланган режа ва тадбирларни бажаришда юксак фаоллик ва жонкуярлик кўрсатган, ўзининг катта ҳиссасини қўшган ташкилотлар ва инсонлар ҳақида матбуотимиз, радио-телеvisãoдение орқали жамоатчилигимизга атрофлича маълумотлар етказилади ва уларнинг меҳнатига, савобли ишларига ҳаққоний баҳо берилади.

Рухсатингиз билан, мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, умуммиллий тус олган, мамлакатимиз ва халқимиз, узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларимиз ҳаётида чуқур из қолдирган ушбу дастурнинг асосий якунлари ҳақида, амалга оширган энг муҳим ишларимизнинг натижаси ва самараси хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммамизга аёнки, кенг қамровли, аввалимбор, инсон ҳаёти ва унинг

манфаатларини ҳимоялаш билан бөглиқ йўналиш ва тармоқларни ўзида мужассам этган ижтимоий соҳа ривожини таъминлаш, уни янги босқичга кўтариш, бу соҳадаги муаммоларни ечиш, бир сўз билан айтганда, биз бугун олиб бораётган кучли ижтимоий сиёsat ва бу борадаги ислоҳотлар биринчи навбатда ўзининг қонуний асосларини мустаҳкамлашни талаб қиласди. Шу мақсадда «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури бўйича йил давомида 26 та қонун ва норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди.

Шулар қаторида ижтимоий ҳаёти-мизда, ҳеч шубҳасиз, foят муҳим ўрин тутадиган ва катта таъсир кучига эга бўлган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги ва «Болалар хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, шунингдек, «Ҳомийлик тўғри-

сида»ги ва «Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»ги қонунлар, айниқса, эътиборга сазовордир.

Айни пайтда ижтимоий тизимни, шу билан боғлиқ ҳолда марказда ва жойларда бу вазифага масъул бўлган идора ва ташкилотлар фаолиятининг самарасини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимларини тубдан ислоҳ қилиш, ёш оиласарни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонлар, ўйлайманки, ҳаётимизда бу соҳани янада такомиллаштириш ва унинг амалий таъсирини ошириш борасида муҳим қадам бўлди.

Бу йўналишдаги ишлар бугунги кунда давом эттирилмоқда.

Дастурда кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, боқувчисини йўқотган болаларга давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ғамхўрлигини кучайтириш, шу тариқа «Сен ёлғиз эмассан» деган даъватни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган ишлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Жорий йил мобайнида 15 та маҳсус мактаб-интернат ва «Меҳрибонлик» уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилганини, Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига салкам 112 миллион сўмлик кийим-бош ва зарурий жиҳозлар олиб берилганини қайд этиш лозим.

Шуниси эътиборга лойиқки, бу са-
вобли ишларга жойларда кўпгина
ташкилот ва ҳомийлар ҳам ўз ҳисса-
сини қўшмоқда. Мисол учун, Самар-
қанд, Навоий ва Жиззах вилоятла-
рида шу мақсадда қарийб 580 мил-
лион сўмлик маблағ сарфлангани
бунинг тасдиғидир.

Бу ҳақда гапирганда, бажарган
ишларимиз орасида алоҳида ажра-
либ турадиган хайрли бир тадбир
ҳақида тўхталиб ўтишни истардим.
Жорий йил давомида давлат бюд-
жетидан 4 миллиард 600 миллион
сўмга яқин маблаг сарфланиб, рес-
публикамиздаги 28 та «Меҳрибон-
лик» уйи ҳамда 86 та ихтисослаш-
тирилган мактаб-интернатга ўзи-
мизда — Самарқанд шаҳрида ишлаб
чиқарилган 114 та замонавий авто-
бус берилди, 4 та оиласи болалар
уйи эса «Дамас» микроавтобуслари
 билан таъминланди.

Ана шундай эзгу ишларимиз ҳақида гапирганда, ўйлайманки, Алишер Навоий бобомизнинг чуқур маъноли сўзлари беихтиёр барчамизниг хаёлимизга келади. Яъни, улуғ аждодимиз айтганидек, кўнгли яrim бир инсоннинг дардига ҳамдард бўлиш, унинг руҳини кўтариш бамисоли бутун жаҳонни обод қилиш билан баробардир.

Бинобарин, биргина мана шу тадбир туфайли юзлаб қалби ўксик болаларимизнинг қандай хурсанд бўлганини, уларнинг қувончини, энг муҳими, тақдир синовлари олдида улар ўзининг ҳеч қачон ёлгиз қолмаслигини, давлатимиз, халқимизнинг ишончли ҳимоясида бўлишини яна бир бор ҳис этганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Дастур доирасида аҳолининг кам таъминланган, кўмак ва ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ва маъна-

вий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларни меҳнатга жалб қилиш орқали даромад манбаи билан тъминлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 50 мингдан зиёд оиласга бепул қорамол берилгани, 10 минг 580 та оиласга чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банклари орқали 8 ярим миллиард сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилгани ҳам бу борада бошлаган ишларимизнинг давом этаётганини кўрсатади.

Йил мобайнида ҳомийлар ва оталиқ ташкилотлар томонидан 3 миллион 100 минф нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронларга, кам тъминланган оиласларга қарийб 9 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шулар қаторида Олмалиқ шахридаги «Саховат» уйи, Андижон шахридаги кўзи ожизлар яшайдиган 2 та кўп

қаватли уй тубдан таъмирлаб берилганини айтиб ўтиш зарур.

Шу билан бирга, пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббий марказларда 2 минг 400 нафар фуқарога бепул тиббий хизмат күрсатылғаны, ногирон шахсларга 8 мингга яқин протез-ортопедия жиҳозлари, 3000 та ногиронлар аравачаси, бир ярим минг дона эшишиш мосламаси, 5 минг дона ҳасса ва құлтиқтаёқ бепул берилганини қайд этиш ўринли бўлади.

Анъанамизга кўра, бу йил мактаб остонасига илк бор қадам қўйган 485 минг нафар фарзандларимизга 5 миллиард 157 миллион сўмлик ўқув анжомлари бепул тақдим этилди.

Айни пайтда кам таъминланган оиласларга мансуб 715 минг ўқувчи 17 миллиард 816 миллион сўмлик қишки кийим-бош билан бепул таъ-

минлангани ҳам дастур бўйича ба-
жарилган муҳим тадбирлар қатори-
га киради.

Ўтган ёз мавсумида 234 минг на-
фар бола, жумладан, экологик ша-
роити мураккаб бўлган Қорақалпо-
ғистон Республикаси ва Хоразм ви-
лоятида яшайдиган 3 мингдан ортиқ
ўгил-қизларимиз, шунингдек, 8
мингдан зиёд «Мөҳрибонлик» уйи
ва маҳсус мактаб-интернат тарбия-
ланувчилари учун оромгоҳларда бе-
пул дам олиш имконияти яратил-
ганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жорий йил мобайнида ногирон-
ларни нафақат моддий, балки маъ-
навий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш
мақсадида ҳам қатор тадбирлар таш-
кил этилди.

Бухоро шаҳрида 450 нафар ноги-
рон бола иштирок этган Ўзбекистон
миллий маҳсус олимпиада ўйинлари,
Андижон, Фарғона ва Қашқадарё ви-

лоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида «Муруват» уйларида тарбияланаётган болалар ўртасида параолимпия мусобақалари ўтказилгани бунга мисол бўла олади.

Энг муҳими, ногиронларнинг тўлақонли ва мазмунли ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган мана шундай ишларимиз бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Яқинда ногирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича ўтказилган 7-жаҳон чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг дунёда машҳур бўлган Бразилия ва Эрон, Украина, Туркия ва Россия каби мамлакатларнинг терма жамоалари устидан ғалаба қозониб, матонат ва жасорат намунасини кўрсатиб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлгани барчамизга фуур ва ифтихор багишлайди.

Азиз юртдошлар!

Мазкур дастурда ўз ифодасини топган ўта муҳим ва савобли ишларни бажаришда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар, чет эллик ҳамкорларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Жумладан, Жанубий Кореяning Саломатлик ва ривожланиш жамгармаси билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчик туманидаги болалар шифохонаси капитал таъмирланиб, замонавий асосда жиҳозланди. Шулар қаторида чет эллик мутахассислар ёрдамида 180 нафар бола операция қилиниб, туғма нуқсонлардан халос этилгани, 22 нафар bemор боланинг эса Германия касалхоналарида даволаниб қайтганини таъкидлаш жоиз.

Мана шундай олижаноб ҳамкорлик ҳақида гапирап эканмиз, Жаҳон

банки, Осиё тараққиёт банки, Бирлашған Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотларга, бу инсонпарварлик тадбирларида фаол қатнашган хорижлик дўстларимизга сизнинг номингиздан, халқимизномидан самимий ташаккур изҳор этамиз.

Дастурда белгиланган яна бир муҳим вазифа – ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимида ишлаётган, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Муруват» уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш бўйича бажарилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Хусусан, «Муруват» уйлари тарбиячи ва ходимларининг иш ҳақини ошириш учун шу йилнинг ўзида марказий ва маҳалий бюджетдан 125 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганини қайд этиш зарур.

Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат қиласидиган санаторийларнинг ходимлари учун 15 физли устама ҳақ жорий этилди, хонадонларга бориб ижтимоий ёрдам кўрсатадиган ходимлар учун 230 миллион сўм, ногирон болаларни уйда ўқитиш учун эса бир ярим миллиард сўмдан зиёд маблаг ажратилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» дастурига мувофиқ, ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёш оилаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, фарзандларимизни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида ҳам йил давомида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Айниқса, ёш оилаларнинг муаммоларини ечиш, аввало, уй-жой сотиб олиш ва иморат қуриш, рўзгорини бутлашга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан

57 миллиард 500 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди.

Шу билан бирга, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида ёш тадбиркорларга 2 миллиард 500 миллион сўмлик микрокредит, ёш оиласлар учун 1 миллиард 800 миллион сўмлик ипотека кредити, 1 миллиард 100 миллион сўмлик истеъмол кредитлари, шунингдек, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар учун таълим грантлари ажратилганини таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида жорий йил мобайнида 195 минг нафар йигит-қиз иш билан таъминлангани, бир қанча вилоят ва туманларда ёшлар марказлари ташкил этилгани эътиборга лойик, албатта.

Муҳтарам дўстлар, ҳаммамиз яхши биламизки, ижтимоий ҳимоя деганда, биринчи навбатда хонадонлари-

миз файзи ва фариштаси бўлган мұхтарам қарияларимизни қадрлаш, уларга эътибор ва гамхўрликни кучайтиришни тушунамиз. Дастурда белгиланган тадбирларга мувофиқ, бу борада ҳам бир қанча ибратли ишлар қилинди.

Авваламбор, яқинда қабул қилинган «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармонга асосан, фахрийларимиз учун жорий йил охиригача Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 20 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди, кейинги йилда эса шу мақсад учун 94 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, 480 мингдан зиёд ёлғиз кекса, уруш ногирони ва иштирокчиларига, фронт ортида меҳнат қилган ҳамда Чернобиль ҳалокатини бартараф этишда қатнашган кишилар-

га 21 ярим миллиард сўмдан зиёд компенсация тўловлари амалга оширилди.

Шу тоифага мансуб бўлган 37 минг нафар киши ва кўзи ожиз биринчи гуруҳ ногиронларининг йил давомида шаҳар йўловчи транспортидан бепул фойдаланиши йўлга қўйилиб, бу ишларга 648 миллион сўм бюджет маблағи сарфланди.

Биргина «Тошкенттрансхизмат» уюшмаси томонидан аҳолига қарийб 2 миллиард 230 миллион сўмлик имтиёзли транспорт хизмати кўрсатилганини қайд этиш жоиз.

Айни пайтда 28 минг нафар фахрийларимизнинг Бухоро ва Самарқанд, Хива ва Тошкент каби қадимий шаҳарларға бепул саёҳатлари ташкил этилганини уларга кўрсатилаётган амалий эътиборнинг яна бир ифодаси сифатида қабул қиласиз.

Азиз дўстлар, ўйлайманки, бундай мисолларни сизларнинг ҳар бирингиз ўзингиз яшаётган маҳалла, туман ёки шаҳар ҳаётидан кўплаб келтиришингиз мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, жорий йилда юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жами 483 миллиард 600 миллион сўм, жумладан, 213 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблафи, 270 миллиард 400 миллион сўм миқдорида грантлар, ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблафи сарфлангани бу соҳада амалга оширган улкан ишларимизнинг ҳажми ва салмогини яққол кўрсатади.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун мамлакатимизни қамраб олган бу умуммиллий ҳаракатда фаол иштирок этган давлат ва ҳокимият идоралари, нодавлат ташкилотлар, хусусан, «Маҳалла» ва «Нуроний», «Соғлом авлод

учун» ва «Экосан», «Меҳр нури», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Сен ёлгиз эмассан» каби жамгармалар, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Шифокорлар уюшмаси сингари кўплаб жамоат бирлашмаларига, бу эзгу ишга муносиб ҳисса кўшган барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли юртдошлар!

Юқорида келтирилган далил ва мисоллар, аввало, давлатимиз, эл-юртимизнинг ўтган давр мобайнида амалга оширган улкан ишларини, шу йўлда қанча-қанча куч, маблаг ва имкониятлар сафарбар этганимизни яққол кўрсатиб турибди.

Шулар ҳақида гапирганда, қуйидаги фикр ва холосалар беихтиёр ҳар

қайси инсоннинг хаёлига келиши табиий:

Авваламбор, юксак инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган, меҳрибонлик, меҳр-оқибат, мурувват ва саховат каби туйғуларнинг ёрқин намоёни бўлмиш бундай ишларни амалга ошириш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди.

Яна бир фикр шуки, бундай эзгу интилиш, бундай ҳаракатларнинг негизида айни бизнинг миллатимиз ва халқимизга мансуб бўлган бағрикенглик ва олижаноблик фазилатлари, шу билан бирга, мустақиллик йиллари давомида юртдошларимиз дунёқарашининг тубдан ўзгаргани, аввало, ёш авлодимизни тарбиялаш ва маънавий юксалтириш йўлида қилаётган барча-барча ишларимиз ўз ифодасини топган, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун мен шу юксак минбардан туриб, узоқ ва яқин қўшниларимизнинг ҳавасини тортаётган жамияти-миздаги ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг меҳнатини, айниқса, маҳалла аҳли, аёллар ўртасида катта иш олиб бораётган маслаҳатчиларнинг фаолиятини алоҳида эътироф этиш ва уларга чин қалбимдан ташаккур билдиришни ўзимнинг бурчим, деб била-ман.

Ўзингиз ўйланг, азизларим, барчамиз биргаликда амалга оширган мана шундай бекиёс ишларни бирон-бир рақам билан ўлчаб, ифода қилиб бўладими?

Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, биродарлар, мана шундай буюк ишларга қодир бўлган халқни енгиб бўладими?

Мұхтарам юртдошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётгандың — 2008 йилга қандай ном бериш ва шу асосда қандай әзгу мақсадларни үзимиз учун әнг муҳим ва устувор вазифа сифатида белгилаб олиш ҳақида фикр алмашиб, масла-хатлашиб олсак, үйлайманки, айни муддао бўлади.

Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рӯёбга чиқарадиган буюк кучни кўради.

Биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча әзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда аввалимбор миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва

замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини муҳим принципиал ва ҳал қилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммамизга яхши аён.

Мустақиллик йилларида шу мақсадда амалга оширган том маънодаги тарихий ишларимиз ҳозирги вақтда, сўзсиз, ўз ҳосилини бермоқда. Бу йўналишда бошлаган улкан ишларимизни давом эттириш, янги поғонага кўтариш, энг муҳими, бугунги кунда долзарб масала бўлмиш ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун замоннинг ўзи олдимизга янги янги вазифаларни қўймоқда.

Мана шу ўта муҳим вазифаларни амалга ошириш, бу масалага давлатимиз ва жамиятимиз, кенг жамоатчилигимиз эътиборини жалб этиш

мақсадида мен янги — 2008 йилни мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилишни таклиф этаман.

Азиз дўстлар!

Янги йилга айнан мана шундай ном беришимиз ва бундан кўзланган мақсадларимизнинг аҳамияти ва мөҳияти ҳақида ортиқча гапириш ва уни исботлаб беришнинг зарурати йўқ, албатта.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса — 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади.

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан

ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг дик-қат марказида туриши шарт.

Шу мақсадларни амалга ошириш учун 2008 йилга «Ёшлар йили» деб ном беришимиз муносабати билан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус давлат дастурини ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур, албатта.

Бу дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гапирганда, айрим муҳим, бугунги кунда долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Биринчилар қаторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур.

Муҳим масалалар қаторида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастурларимизнинг ижросини янги босқичга кўтариш, марказда ва жойлардаги бунга жавобгар бўлган идораларнинг масъулиятини ошириш вазифаси туриши керак.

Ҳаммамиз бугун яхши тушумиз — фарзандларимизнинг мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида замонавий билим олиши, ҳаётда керак бўлган касбга эга бўлиши ҳақида гапирганда, бу йўналишда олиб бораётган ишларимизнинг сифати ва самарасини, пировард натижасини оширишда ҳали кўпгина масалаларни ечишимиз лозим.

Лекин фарзандларимизнинг замонавий билим ва тарбия олиши — олдимизга қўйган мақсадимизнинг фа-

қатгина бир қисми эканини англаб олишимиз керак.

Шуни таъкидлаш зарурки, бу масаланинг иккинчи қисми, яъни йигит-қизларимизнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши учун, ўқув юртларини битириб чиқаётган болаларимизнинг ҳаётда ўзига мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар туғдириб бериш масаласи — тан олишимиз керак — ҳали-бери эътиборимиздан четда қолиб келмоқда.

Бундай ҳолатлардан бош тортмасдан, чуқур ўйланган дастурларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳисобидан бу масаланинг ечимини топиш — ҳозирги вақтдаги энг долзарб вазифамиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугунги кунда ўткир муаммоларимиздан энг муҳими — бу ёшларни замонавий касб-хунарга ўргатиш ва иш

билин таъминлашдан иборат. Бу вазифа давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллий ҳокимликларнинг эътибор марказида туриши зарурлиги ҳаммамизга аён.

Шу борада, авваламбор, қишлоқларимизда, кичик шаҳарларда истиқомат қилаётган ўгил-қизларимизни муносиб иш билан таъминлашга, айниқса, армия сафларидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга алоҳида эътибор беришимиз даркор.

Айни мана шундай ўта долзарб масалалар дастурдан асосий ўрин топиши лозим.

Ёшлар тарбияси ҳақида гапирав эканмиз, энг аввало, оила муҳитини ўзимизга тасаввур қилишимиз табиий.

Бугунги кунда республикамида 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, юртимиздаги жами оиласининг 16 фоизини ташкил қиласди.

Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи дастурда муносиб ўрин эгаллаши лозим. Шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг замонавий билим олишини таъминлаш билан бирга, уларнинг майший шароитини янада яхшилаш, спорт билан мунтазам шуғулланиши бўйича аниқ режалар белгиланиши даркор.

Биз истеъодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фаҳрланамиз.

Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рӯёбга чиқариш — бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида

ўртага қўйиш керак, деб ҳисоблайман.

Кейинги йилларда бу масалада давлат идоралари билан биргаликда бир қатор нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иш олиб бораётганини қўллаб-куватлаш зарур.

Ана шундай ҳамкорлик натижасида юртимизда ўтказилаётган «Ниҳол» ва Зулфия мукофоти танловлари, «Янги авлод» ва «Келажак овози» кўрик-танловлари минг-минглаб ёш истеъдод эгаларини кашф этаётгани барчамизни қувонтиради.

Мамлакатимизда шаклланиб келаётган фуқаролик жамиятига хос бўлган ана шундай ибратли ишларни амалга ошираётган нодавлат ташкилотларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур кўмак ва ёрдам бериш масаласи ҳам мана шу дастурда ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, ёшларимизнинг маданий савиясини юксалтириш, маънавий оламини бойитиш, санъат ва гўзалликка интилишини кучайтириш мақсадида янги йилда республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим вазифаларимиз қаторидан жой олиши керак.

Қадрли дўстлар!

Мен «Ёшлар йили» давлат дастурида асосий эътибор беришимиз зарур бўлган баъзи бир энг муҳим масалалар ҳақида тўхталиб ўтдим, холос.

Бу дастур устида ишлайдиган, уни тайёрлашга масъул бўлган мутасаддилар, авваламбор, кенг жамоатчиклик, маҳалла, хотин-қизлар ташки-

лотлари, ота-оналар ва мураббийлар, айниқса, ёшларимизнинг фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва тавсияларини ҳар томонлама ўрганиб, бор куч ва имкониятларни ана шу устувор йўналишларни амалга ошириш учун қаратишлари лозим.

Ушбу дастурда ўз аксини топадиган барча-барча мақсад ва вазифаларни ўзида мужассам этадиган ягона фоя ҳаммага очиқ аён бўлиши керак. Бу гоя — ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, бугунги ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарларга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшашини ва жамиятилиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Шу борада бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Бугунги кунда «Ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз» деган сўзлар кўп ишлатиладиган иборага айланиб қолди. Бу албатта бизнинг, барча ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг орзу-умиди, десак, ҳар томонлама тўгри бўлади.

Лекин мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, бу иборани кенгроқ маънода ифода этишни истардим. «Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги куни мизнинг ҳал қилувчи кучидир», десак, ўйлайманки, бу олиб бораётган сиёсатимиз ва мақсадларимизга жавоб берадиган даъват бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, бу даъват биринчи навбатда мамлакатимизда тобора куч-кувват, гайрат ва шижаотга тўлиб бораётган, ҳаётда улкан вазифаларни адо этишга қодир бўлган ёшларимизнинг орзу-интилишлари ва кайфия-

тига мос келади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзини амалда намоён этиши учун майдонни кенгайтириш керак.

Мен кўп чиқишлиаримда ёшларга бўлган ишончим ва меҳримни ифода этиб, юртимизда яшаётган барча-барча ёшлар менинг болаларим, менинг фарзандларим, деб қалбимдаги эзгу туйғу ва тилакларимни билдираман.

Албатта, ҳар қайси боланинг ўз ота-онаси ва яқинлари бор. Ва айни шу инсонлар боланинг соғлом ва оқил бўлиб, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга бўлиб ҳаётда ўз ўрнини топишини истайди ва керак бўлса, шу йўлда бутун борлигини бағишлайди.

Лекин мен шу юртнинг раҳбари бўлиб, ҳар қайси ота-онанинг ёнида

туриб, жондан азиз фарзандларимизга билдирадиган орзу-ниятларни амалга оширишда ўзимни масъул, деб биламан ва бундай вазифамдан ҳеч қачон қайтмайман.

Азиз ватандошлар, сизларни Конституция куни билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳатсаломатлик, баҳт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Каримов Ислом

Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир/Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъруза 2007 йил 7 декабрь/И.А. Каримов— Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2007.—48 б.

ББК 67.400

Ислом Абдуғаниевич Каримов

**АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ —
ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ
БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН
ДАВОМ ЭТТИРИШДИР**

Нашр учун масъул *К. Буронов*

Техник муҳаррир *У. Ким*

Рассом *Ж. Адилов*

Бадиий муҳаррир *Ҳ. Мөҳмонаев*

Мусахҳиҳ *Ш. Мақсудова*

Компьютерда саҳифаловчи *Л. Абкеримова*

Босишга рухсат этилди 14.12.2007. Қоғоз бичими 70×90^{1/32}. Таймс гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли б.т. 1,75. Нашр т. 0,85. 10 000 нусхада чоп этилди. Буюртма № 07-177.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.